

Давлат ва хусусий шериклик - ҳуқуққа ва ҳаётга кириб келаётган янги тушунча

Давлат ва хусусий шериклик бугунги кунда барча ривожланаётган давлатлар томонидан тадбиқ қилинаётган давлатнинг хусусий шерик билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ҳамкорлик шакли бўлиб, сўнги йилларда уни Ўзбекистон Республикаси ҳам тадбиқ қилишга киришмоқда.

Мазкур мақолада давлат ва хусусий шериклик тушунчаси, унинг келиб чиқиши, аҳамияти, шакллари ва ҳуқуқий базаси тўғрисида сўз юритилади.

Аввало давлат ва хусусий шерикликнинг нима учун бугунги кунда долзарб эканлигига эътибор қаратсак. Давлат ва хусусий шериклик, бизда турли соҳаларда турли шаклларда мавжуд бўлганлигига қарамасдан, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий ва оммавий жиҳатдан янги кириб келаётган тушунча бўлиб, уни мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига зудлик билан жорий қилишни талаб қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги № ГҚ-2752 сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури”да белгиланган коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий чора-тадбирлардан бири сифатида давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаат келтирувчи ҳамкорликнинг қонуний асосларини назарда тутувчи “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга дойр қушимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони билан тасдиқланган Дастурда ҳам “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди.

Ҳозирда ишлаб чиқиляётган “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг бутун мазмуни, тузилиши ва қоидалари юқорида санаб ўтилганларни ўзида акс эттирган.

Давлатнинг жадал ривожланишига тўсиқ бўлувчи жуда ёмон одат тусига кириб қолган коррупцияга қарши курашишнинг улулларида бири — бу давлатнинг устувор масалаларда хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиши экан.

Умуман олганда, ҳаётдаги ижтимоий муносабатлар жуда тезлашиб кетдики, давлатлар ўз-ўзидан хусусий сектор билан ҳамкорлик қилишга интиломоқда. Чунки хусусий секторда фаолият олиб бораётган шу қадар гигант компаниялар борки, уларнинг куч-қудрати, молиявий имкониятлари

давлатникидан кам эмас.

Ана шу ислохотларни рўёбга чиқариш мақсадида, бизда олдин ривожланмаган давлат ва хусусий шериклик муносабатларини тадқиқ қилиш, бу борадаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, унинг асли келиб чиқиш илдизларига назар ташлаш, унинг нима учун ва айнан қандай соҳаларда кераклигини аниқлаш, ундан самарали фойдаланиш йўллариини излаш масалаларини ёритиш албатта, долзарб масала.

Давлат ва хусусий шериклик тушунчаси. Давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги бошланиши узок, йилларга бориб такалади. Давлат ва хусусий секторнинг дастлабки ўзаро ҳамкорлигини бундан икки минг йил олдин, Рим Империяси даврида кўриш мумкин. Ўша вақтда давлат муниципалларда хўжалик тартибида хусусий шахсларга умумий фойдаланишда бўлган объектлар: почта станциялари ва уларга келувчилар турадиган турар жойларни берган. Бундай тарзда фойдаланишга бериш алоҳида шартномалар билан мустаҳкамланган. Қадимги Римда бундай ҳамкорлик денгиз портларини қуриш ва фойдаланишда ҳам қўлланилган¹. Шундан кейин давлат ва хусусий шериклик турли хил давлатларда ривожланиб, бугунги кундаги ҳолатига келган.

Ўзбекистон Республикасининг янги қабул қилиниши кутилаётган “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасининг 3-моддасида унинг шундай тушунчаси берилган: “давлат ва хусусий шериклик – давлат ва хусусий шерикларнинг маълум муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, ижтимоий, инвестициявий, инновацион, инфротузилмавий ва бошқа лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш, мажбуриятларни тақсимлаш мақсадларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиги”.

Мазкур тушунчадан англашиладиган энг муҳим маъно шуки, давлат ва хусусий шериклик эндиликда расмий бўлади ва бу расмийлаштириш воситалари орқали олиб борилади. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий вазифаси эса давлат ва хусусий шерикликнинг фуқаролик ҳуқуқий асосларини: шартномалар, уларнинг муҳим ва кўшимча шартларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик асосларини, давлат ва хусусий шериклик муносабатлари иштирокчиларига бериладиган имтиёзларни яратишдан иборат бўлади.

Қонун лойиҳасида берилган тушунчага ва унинг келажакда Фуқаролик кодексида акс этадиган тушунчасига “тенг ҳуқуқли муносабатларга асосланган” деган жумлани қўшиб кетишни таклиф қилган бўларди, нега деганда, ушбу жумла муносабатларнинг фуқаролик ҳуқуқий эканлигини англашиб туради ва вақти келганда давлатнинг хусусий шерикдан устунлик қилишининг олдини олади.

Россия Федерациясининг 2015 йил 13 июлда қабул қилинган “Россия

¹ Background to Public-Private Partnerships [Электронный ресурс]//, Toolkit for Public-Private Partnerships in roads and highways, PPIAF, 2016. – Yo'l: <https://www.ppiaf.org/sites/ppiaf.org/files/documents/toolkits/highwaystoolkit/6/pdf-version/1-21.pdf>.

Федерациясида давлат ва хусусий шериклик, муниципал хусусий шериклик ва Россия Федерациясининг айрим қонун ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида давлат ва хусусий шерикликка қуйидагича тушунча берилган: “давлат-хусусий шериклик, муниципал-хусусий шериклик – бир томондан оммовий шерик, иккинчи томондан хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган ва ресурсларни бирлаштириш, мажбуриятларни тақсимлашга асосланган, иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, товарлар ишлар ва хизматларга нисбатан давлат ҳокимияти органларининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қобилиятлилигини таъминлаш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида ушбу федерал қонунга мувофиқ тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим, муниципал-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга кўра амалга ошириладиган ҳамкорлиги”.

Ўзбекистон Республикасининг Қонун лойиҳаси ва Россия Федерациясининг Қонунида назарда тутилган давлат ва хусусий шериклик тушунчаларида фарқлар мавжуд. Россия Федерациясининг қонунида назарда тутилган таъриф бир канча кенгрок ва кўпрок. Ўзбекистон қонун лойиҳасидаги тушунчада давлат ва хусусий шерикликнинг мақсади сифатида *хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш, мажбуриятларни тақсимлаш* назарда тутилган. Россия Федерациясининг қонунида эса давлат ва хусусий шерикликнинг мақсади сифатида *хусусий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш, товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан давлат ҳокимияти органларининг ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қобилиятлилигини таъминлаш ва уларнинг сифатини ошириш* кўрсатилган. Кўриб турганимиздек, Россия Федерациясининг қонунида назарда тутилган тушунча кенгрок. Сифатини ошириш дейилмоқда! Давлат аҳамиятига молик бўлган ишларнинг хусусий сектор ихтиёрига берилишининг энг асосий мақсадларидан бири ҳам товарлар, хизматлар ва ишларнинг сифатини ошириш бўлиши керак. Умуман олганда оддийгина ҳақиқатга эндиликда тик қараб тан олиш керак: ахир, қаерда муқобиллик, рақобат бўлсагина ривожланиш бўлади, давлат ва хусусий шериклик эса мана шундай ривожланишга замин яратади.

Ўзбекистон давлат ва хусусий шериклик муносабатларида, аввало, таълим соҳасини биринчилардан бўлиб объект сифатида кўрмоқда. Хусусий таълим муассасаларининг очилиши таълимни янги босқичга кўтариб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрда қабул қилинган “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида белгиландики, 2018-йил январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади. Бунинг учун хусусий инвесторларга давлат ер участкалари, бинолар, шунингдек, бўш турган ва фаолият юритмаётган мактабгача таълим муассасаларини маълум имтиёзлар билан беғараз ажратади.

Хўш, бугунги кунда давлатлар учун ва давлатимиз учун давлат ва хусусий шерикликнинг зарурияти кандай сабаблар билан изоҳланади?

Давлат ва хусусий шериклик бир қатор ривожланган мамлакатларда юзага келган бўлиб, кейинги йилларда бошқа мамлакатларда ҳам қабул қилинмоқда. Давлат ва хусусий шериклик давлат томонидан назорат қилишни талаб этадиган ҳамда инвестициялар самарадорлигини таъминлай олмайдиган соҳаларда, айниқса, кенг ўрин эгалламоқда. Яъни давлат ўзи ўзининг маблағлари билан ривожлантира олмайдиган тармоқларни хусусий секторга берадиган булса, бу соҳа яхшироқ ривожланади. Ушбу фикрни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- маълум бир масалалар юзасидан энг яхши ечимлар ишлаб чиқиш имконияти юзага келади, чунки хусусий шерик давлат олдидаги мажбуриятини аъло даражада бажариш учун қўлидан келган барча ишни қилади;

- давлат ва хусусий шериклик лойиҳалари имкони борида тез муддатларда битирилади, чунки шерик канча тез бажарса, унга шунча яхши, ишни чўзиш эса ўзи учун зарар;

- барча рисклар ва мажбуриятлар олдиндан тақсимланади ва хусусий шерикнинг давлат ҳисобига зарар қўришининг олди олинади;

- давлатнинг бюджети тежалади ва ушбу тежалган пулларни бопқа керакли соҳаларга сарфлаш имконияти пайдо бўлади, хусусан, юкорида айтиб ўтилган “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорда таъкидланишича, Республика бўйича барча мактабгача таълим муассалари учун 2016 йилда давлат бюджетидан 1,6 триллион сўм ажратилган. Агар уларнинг ярми хусусий шериклар ихтиёрига бериладиган булса, давлат бюджети 800 миллиард сўмни тежаб қолиш имконига эга бўлади;

- хусусий шерикнинг ўзи учун фойда қўришга интилиш ҳисси эвазига товарлар, ишлар ва хизматларнинг сифати ошади;

- соҳага доимий равишда инновациялар жалб қилинади;

- нарх-наво арзонлашади, солиқ юки камаяди. Шундай қилиб, давлат ва хусусий шериклик мамлакат иқтисодиётига катта фойда олиб келади.

Давлат ва хусусий шериклик тизиминг жорий этилишининг энг катта афзалликларидан бири – бу коррупциянинг камайишидир. Айтайлик, мактабларни хусусий сектор ўз қўлига оладиган булса, мактабларда ўқитувчи ва раҳбарларнинг таъмагирлиги каби тушунчалар йўқолади. Нимага деганда, бунда барча муносабатлар фуқаролик ҳуқуқий воситалар асосида тартибга солинади. Ота-оналар боласининг ўқиши учун шартнома шартлари бўйича пул тулайди. Қўшимча қулайликлар ва афзалликлар учун ҳам ўзларининг хоҳишларига кура пул тулайдилар. Ёки йўл қурилиши, фойдаланиши ва лойиҳаланишини олайлик, бунда ҳам ваколат хусусий секторга бериладиган бўлса, коррупция камайиб, хусусий репутация учун курашиш кучаяди. Эндиликда коррупцияга қарши курашишнинг ягона йули колмоқда – оқилона ва қаттиқ, тартиб-қоидаларни жорий қилиш.

“Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасига кура,

давлат ва хусусий шериклик куйидаги устувор соҳаларда амалга оширилиши кутилмоқда: фан, техника ва инновация; тиббиёт; таълим, маъданият ва иштимой хизмат кўрсатиш; жисмоний тарбия ва спорт; телекоммуникация; транспорт хизмати; йўл хўжалиги; уй хўжалиги ва коммунал хизмат; инженер коммуникация; курилиш материаллари ишлаб чиқариш; иссиқлик энергетика ва кимё саноати; тикланадиган энергия манбаалари; машинасозлик; металлургия, қишлоқ ва сув хўжалиги, табиатни муҳофаза қилиш. Мазкур соҳалар давлатнинг энг муҳим стратегик аҳамиятли йўналишларидан бошқа соҳалар бўлиб, иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади. Давлат стратегик аҳамиятга эга соҳаларни хусусий шерикка топширмайди, масалан, муҳофаа ва миллий хавфсизлик соҳасини.

Мазкур вазиятда фуқаролик ҳуқуқининг асосий вазифаларидан бири – мазкур ҳамкорликни амалга ошириш воситалари бўлган шартнома лойиҳаларини зудлик билан ишлаб чиқиш.

**ТДЮУ 2-курс Шартнома ҳуқуқи
йўналиши магистранти Мирзаев
Исломжон Хушназар ўғли**